

РЫЖИК НАВЛАРИДА БАРГ САТҲИ ШАКЛЛАНИШИГА ЭКИШ МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Аллаева Дилдор Хаитовна, таянч докторант
Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти,
Джўраев Муқимжон Якубжонович, доцент,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилояти шароитида рыжик навларида барг сатҳи шаклланишига экиш меъёр ва муддатларининг таъсири дала тажрибалари асосида ўрганилганда, энг юқори барг сатҳи шаклланиши кузоқлаш фазасида бўлганлиги кузатишган.

Калит сўзлар: Рыжик, барг, экиш меъёри, экиш муддати, нав, уруғ, ўсимлик.

Аннотация. В статье в условиях Кашкадарьинской области при изучении влияния норм и сроков посадки на формирование листовой поверхности у сортов Рыжик на основе полевых опытов отмечено, что наиболее высокое формирование листовой поверхности наблюдалось у бобовая фаза.

Ключевые слова: Рыжик, лист, норма высева, срок посева, сорт, семя, растение.

Abstract. In the article, in the conditions of the Kashkadarya region, when studying the influence of planting norms and timing on the formation of the leaf surface of the Ryzhik varieties, based on field experiments, it was noted that the highest formation of the leaf surface was observed in the legume phase.

Key words: Camelina, leaf, sowing rate, sowing time, variety, seed, plant.

Кириш. Рыжик мойи кўп қиррали ишлатиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқатда, тиббиётда, касметалогияда техник мақсадларда ишлатилади.

Экинларнинг барглари оптимал даражада ривожланиши учун CO_2 (карбонат ангидрид)дан, сувдан, қуёш энергиясидан, озукавий моддалардан, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган бошқа омилларидан самарали фойдаланишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўсимликларда фотосинтетик фаолиятнинг асосий кўрсаткичларидан бири барг юзасининг катталиги ва унинг шаклланиш динамикасидир. Фотосинтез маҳсулдорлиги 1 м^2 барг юзаси ҳисобига 1 соат давомида ўзлаштирилган CO_2 ёки ҳосил бўлган органик модда миқдори билан белгиланади. Фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги эса ўсимлик қуруқ массасининг унинг барглари юзаси ҳисобига бир кеча кундуз давомидаги миқдорий ортиши тушунилади.

Ўсимлик барг юзасини меъёрда бўлиши фотосинтез жараёнини самарали кечишига олиб келади ҳамда ҳар бир ўсимлик учун керакли барг юзасини ҳосил қилади. А.Я.Барчукованинг (2012) таъкидлашича, майдондаги барг юзасини кўпайиши, фотосинтез соф маҳсулдорлигини ортиши билан амалга ошади [1; 17-23-б.].

Фотосинтез ўсимлик организмдаги асосий жараёнлардан бири бўлиб, унинг динамик ҳолати ички ва ташқи омилларнинг узвий таъсири билан белгиланади. Муҳит шароитларининг ҳар қандай ўзгариши авваламбор фотосинтез жараёнларининг жадаллиги ва йўналишига таъсир қилади.

Бу эса пировардида ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг ўзгаришларига олиб келади. Ўсимликларнинг турли иқлим ва тупроқ шароитларида ўсиши ва ҳосилдорлиги турли физиологик жараёнларнинг, айниқса фотосинтезнинг муҳит шароитларига мослашишига боғлиқ бўлади.

Ўсимликларнинг барг сатҳи, фотосинтез жадаллиги ва унинг соф маҳсулдорлиги, баргдаги пластид пигментларининг миқдори экинларнинг биологик хусусиятларига ва етиштириш

шароитларига боғлиқдир [2; 47-50-б.].

Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳосилнинг шаклланиши давомида барг юзасининг ўсиш суръати экинларни намлик ва минерал озиқлантириш билан таъминлаш даражасининг кўрсаткичи, ривожланишнинг асосий фазаларини нормал ўзгариши ва охир-оқибат, жараённинг қанчалик ижобий эканлигини кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин [3; 17-43-б.].

Тадқиқот натижалари. Рыжик экиннинг барг сатҳини шаклланишига асосан навнинг биологияси, тупроқ иқлим шароити ҳамда қўлланиладиган агротехника ва бошқа омиллар таъсир қилади. Рыжик ўсимлигининг барг сатҳини поя шаклланиши, ғунчалаш, гуллаш, кузоқлаш ва пишиш бошланиши даврларида институтнинг “Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси” лабораториясида таҳлиллар олиб борилди.

Рыжик ўсимлиги барг сатҳининг ривожланиш динамикаси таҳлил қилинганда вариантлар орасидаги фарқлар навларнинг поя шаклланиш даврида пайдо бўла бошлади.

Кузги рыжикнинг Пензяк нави барг сатҳи уруғлар 10-октябрь муддатида энг юқори барг сатҳи, поя шаклланиш, ғунчалаш ва гуллаш кузоқлаш фазаларида гектарига 10 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда, мос равишда 13,18-33,38-42,56-51,30 минг $\text{м}^2/\text{га}$, пишиш фазасининг бошланишида эса 10 млн. дона уруғ экилганда 10,10 минг $\text{м}^2/\text{га}$ бўлиши аниқланди (1-жадвал).

Уруғлар 20-октябрь муддатида экилганда эса, барг сатҳи энг юқори кўрсаткичи поя шаклланиш фазасида 10 млн. дона уруғ экилганда (12,14 минг $\text{м}^2/\text{га}$), ғунчалаш ва гуллаш фазасида (30,86-40,32 минг $\text{м}^2/\text{га}$), кузоқлаш ва пишиш фазасида эса 10 млн. дона уруғ экилганда кузатилади.

Вариантларга кўра кечки муддат, яъни уруғлар 1-ноябрь санасида экилганда энг юқори барг сатҳи кўрсаткичи поя шаклланиш-ғунчалаш-гуллаш-кузоқлаш фазаларида 10 млн. дона уруғ экилганда (мос равишда 9,04-21,78-29,16-44,88 минг $\text{м}^2/\text{га}$) ва пишиш фазасида эса 5,92 минг $\text{м}^2/\text{га}$ бўлиши аниқланди.

Рыжик навлари экиш меъёр ва муддатларининг барг сатҳи шаклланишига таъсири (2021-2023 йй)

Т/р	Нав номи	Экиш муддати	Экиш меъёри	1 га майдондаги ўсимликлар барг сатҳи, минг м ²				
				Поя шаклланиш даврида	Ғунчалаш даврида	Гуллаш даврида	Қузоқча пайдо бўлиш даврида	Пишиш бошланиши даврида
1	Пензяк	10.окт	8 млн. дона	11,62	30,58	39,80	50,90	9,32
2			10 млн. дона	13,18	33,38	42,56	51,30	10,10
3			12 млн. дона	11,22	27,84	36,88	47,94	6,26
4			14 млн. дона	8,42	17,74	29,86	38,34	4,42
5		20.окт	8 млн. дона	10,92	29,84	38,82	52,48	9,40
6			10 млн. дона	12,14	30,86	40,32	53,28	9,48
7			12 млн. дона	9,74	26,34	35,34	45,14	5,60
8			14 млн. дона	8,34	17,86	26,68	39,04	4,48
9		01.ноя	8 млн. дона	7,78	21,72	28,40	40,98	6,34
10			10 млн. дона	9,04	21,78	29,16	44,88	5,92
11			12 млн. дона	7,90	19,36	25,42	34,42	3,82
12			14 млн. дона	6,56	11,88	16,44	30,94	2,94
13	Карат	10.окт	8 млн. дона	10,26	26,98	35,10	43,82	8,24
14			10 млн. дона	11,40	28,76	37,94	45,12	8,70
15			12 млн. дона	9,82	24,34	32,58	41,94	5,46
16			14 млн. дона	7,46	15,66	26,36	33,86	3,86
17		20.окт	8 млн. дона	9,66	26,34	34,90	46,18	8,28
18			10 млн. дона	10,74	27,18	35,60	47,02	8,36
19			12 млн. дона	8,74	23,64	32,30	40,56	5,02
20			14 млн. дона	7,12	15,20	22,72	33,22	3,82
21		01.ноя	8 млн. дона	6,76	18,98	25,20	35,58	5,22
22			10 млн. дона	8,00	19,16	26,32	39,54	5,54
23			12 млн. дона	6,98	17,12	22,90	30,44	3,40
24			14 млн. дона	5,68	10,32	14,20	26,80	2,56

Кузги рыжикнинг Карат нави барг сатҳи уруғлар 10-октябрь муддатида энг юқори барг сатҳи поя шаклланиш, ғунчалаш, гуллаш ва қузоқлаш фазаларида гектарига 10 млн дона уруғ ҳисобида экилганда, мос равишда 11,40-28,76-37,94-45,12 минг м²/га, пишиш фазасининг бошланишида эса 10 млн.дона уруғ экилганда 8,70 минг м²/га бўлиши аниқланди.

Уруғлар 20-октябрь муддатида экилганда, барг сатҳи энг юқори кўрсаткичи поя шаклланиш, ғунчалаш, гуллаш ва қузоқлаш фазасида 10 млн.дона уруғ экилганда (10,74-27,18-35,60-47,02 минг м²/га), пишиш фазасида эса 10 млн.дона уруғ экилганда (мос равишда 8,36 минг м²/га) бўлиши кузатилди.

Вариантларга кўра кечки муддат, яъни уруғлар 1 ноябрь санасида экилганда энг юқори барг сатҳи кўрсаткичи поя шаклланиш-ғунчалаш-гуллаш-қузоқлаш фазаларида 10 млн. дона уруғ экилганда (мос равишда 8,00-19,16-26,32-39,54 минг м²/га) ва пишиш фазасида эса 10 млн.дона уруғ экилганда 5,54 минг м²/га бўлиши аниқланди.

Ўрганилган навларда барг сатҳи кўрсаткичларини ривожланиш фазаларига кўра таҳлил қилганимизда энг юқори кўрсаткич қузоқ пайдо бўлиш фазасида (Пензяк навида 53,28 ва Карат навида 47,02 минг м²/га), энг паст кўрсаткич пишиш бошланиши фазасида (Пензяк навида 2,94 ва Карат

навида 2,56 минг м²/га) бўлиши аниқланди. Буни ўсимликнинг биологиясига кўра, қузоқлаш фазаси давомида асосий барглариининг тўкилиши ва иккиламчи (кейинги ривожланишда чиқадиған) барг қолиши билан изоҳлаш мумкин. Навлар бўйича таҳлил натижаларига кўра, Пензяк навида Карат навиға нисбатан 6,26 минг м²/га юқори бўлиши аниқланди, бу ҳолатни ўсимлик бўйи баландлиги ва шунга кўра барг сонига боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Экиш муддатлари бўйича таҳлил қилганимизда энг юқори барг сатҳи Пензяк ва Карат навида эрта (10-октябрь муддатда 51,30-45,12 минг м²/га) ва ўрта (20-октябрь муддатда 53,28-47,02 минг м²/га) деярли бир хил кўрсаткичда бўлиши, кеч (1 ноябрь муддатда 44,88-39,54 минг м²/га), ёки эрта ва ўрта муддатга нисбатан Пензяк навида 6,42-8,4 ва Карат навида 5,58-7,48 минг м²/га кам бўлиши аниқланди.

Экиш меъёрларига кўра барг сатҳи шаклланиши Пензяк ва Карат нави қузоқлаш фазасида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич 10 млн.дона уруғ экилганда (53,28-47,02 минг м²/га), энг паст кўрсаткич 14 млн.дона уруғ экилганда (2,94-2,56 минг м²/га) бўлиши аниқланди ва бу ҳолат ўсимликнинг зич жойлашиши, барглариининг ривожланиши бошқа меъёрларга нисбатан пасайиб боришига олиб келиши билан изоҳланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Барчукова А.Я. Фотосинтетическая деятельность растений риса при использовании регуляторов роста / А.Я.Барчукова, Н.С.Томашевича, Н.В.Чернышева, В.А.Лодатко, М.А. Лодатко // Рисоводство. Научнопроизводственный журнал.-2012.-№1(20). – С. 17-23.

2. Аннамуратова Д.Р., Фозилов Ш.М., Саидов Ф.Б. Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида турли соя навларининг фотосинтетик кўрсаткичлари. Ж: *Innovatsion texnologiyalar*/ 2016. №2(22) – Б. 47-50.
3. Ничипорович, А. А. Основы фотосинтетической продуктивности растений / А. А. Ничипорович // В сб. Современные проблемы фотосинтеза. – М. 1973. – С. 17-43.

УЎТ: 637.57

ГИЛОС БОҒЛАРИДА ОЛЧА ШИРАСИ (*MYZUS CERASI* FABR) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Муминова Рано Далабоевна,

ТошДАУ Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини кафедраси қ.х.ф.ф.д. доцент,

Абдуллаева Шодия Азимбой қизи,

Тош ДАУ Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини кафедраси магистранти.

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштирилаётган гилос боғларида учрайдиган олча шираси (*Myzus cerasi* Fabr) биоэкологияси, тарқалиши ва зарар келтириши даражаси ҳамда уларга қарши кураш чоралари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Аннотация. Приведено материалы по встречаемости биоэкологии, распространение, степени вредности и мероприятия борьба с вишневой тли (*Myzus cerasi* Fabr) встречающихся в черешневых садах в Республики Узбекистана.

Abstract. Materials are provided on the occurrence of bioecology, distribution, degree of harmfulness and measures to combat cherry aphids (*Myzus cerasi* Fabr) found in cherry orchards in the Republic of Uzbekistan

Бугунги кунга келиб янги гилос боғларини барпо этишга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши ушбу экин турининг серхосил, биотик ва абиотик омилларга ҳамда зараркунанда ва касалликларга чидамли бўлган янги навларни танлашни тақозо этади.

Шунингдек, боғдорчилик майдонларининг кенгайиб бориши натижасида илгари ҳосилдорликка таъсири кам бўлган айрим зараркунанда турларининг зарарини ошишига сабаб бўлмоқда. Худди шундай гилос боғларидан ҳам юқори ва сифатли, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган, экологик соф ҳосил олишнинг асосий шартларидан бири зараркунандалардан ҳимоя қилишдир.

Ширалар ўсимликларнинг ашаддий зараркунандаларидан бири бўлиб, дунё бўйича 5000 дан ортиқ турлари учраб, улардан 100 дан ортиғи қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар келтириб, ҳосилдорлигини сезиларли даражада пасайтиради [5].

Ширалар тенг канотлилар - Homoptera туркумининг ширалар - Aphidinea кенжа туркумига мансуб. Одатда

ўсимликларнинг ўсиш нуқталарида ва баргларида яшовчи майда (0,5-8 мм) хашаротлардир. Танаси тухум шаклида, овалсимон чузикрок, елка томонидан буртган. Танаси юмшоқ ва нозик, айримлари майин кукун ёки ок момиқ билан қопланган. Танасининг туси кукишдан қўнгир, ҳатто, қорагача ўзгаради, айримлари қизғиш ёки очсиёҳ рангда, одатда озиқланаётган муҳитга ўхшайди. Тухумлари ялтирок қора, чўзиқ овал шаклда бўлади [4].

Гилос боғларининг асосий зараркунандаларидан бири бу олча ширасидир. *Myzus cerasi* Fabr асосан олча ва гилос қисман олхўри, ўрик ҳамда шафтоли боғларида учраб зарар келтиради [1].

Ушбу зараркунанда Эуропа, Ғарбий ва Марказий Осиё, Шимолий Америка, Шимолий Африка ва Австралияда учрайди.

M.cerasi Fabr нинг катталиги 2-2,4 мм бўлиб, танасининг шакли ноксимон, ранги эса қора, юқори қисми порлоқ ва қуйи қисми эса жигарранг рангда бўлади. Мўйловларининг ранги тўқ яшил, олти сегментли, танасининг ярмига тенг. Тухумлари



1-расм. *M.cerasi* Fabr колония кўринишида



2-расм. *M.cerasi* Fabr зарар келтириш даражаси.